Масъулияти чекланган жамият шаклидаги
«HOMBUR-AUDIT» аудиторлик ташкилоти

Манзил:Кашкадарё Вилояти, Карши шахри,730000, Насаф кучаси 19-уй. Тел. 91.453.79.14.
Банк: АТБ «Бизнесни ривожлантириш банки». код **МФО** 01037, **Х/р**.20208000904347269001 **ОКЭД** 69202
СТИР:205192434 **Лицензия:** Аудиторлик фаолияти буйича Узбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2019 йил 01 апрел кунидаги №-00749-сонли лицензиясига эга.

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«SHAHRISABZ VINO-AROQ» A. J. бошқарув органига:
Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект:

Тўлиқ номи	«SHAHRISABZ VINO-AROQ» A. J.
Ҳуқуқий манзили	Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 170-уй.
Почта манзили	Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 170-уй.
СТИР рақами	200 672 734
ОКЭД коди	11010
Банк реквизитлари	ТОШКЕНТ Ш., "ТУРОНБАНК" АТ БАНКИНИНГ БОШ ОФИСИ
МФО коди	00446
Ҳисоб рақам	20210000200355093001

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги **“HOMBUR-AUDIT”** аудиторлик ташлилоти аудитори (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 16-декабрдаги № 05832 сонли малака сертификатига эга) Жавлиев Шеркузи Мустофаевич “SHAHRISABZ VINO-AROQ” A.J.-нинг 2025 йил 31 декабр холатига бўлган молиявий холат тўғрисидаги хисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида хисоботидан, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида хисоботдан, пул оқимлари тўғрисида хисоботдан, шунингдек хисоб сиёсати ахамиятли қоидаларнинг қисқача таснифи ва бошқа изохловчи маьлумотлардан иборат булган илова қилинаётган молиявий хисоботлари аудитини ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект рахбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект рахбарияти мазкур молиявий хисоботларни Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия конунчилигига мувофиқ тайёрлаш ва хаққоний тасаввур берадиган молиявий хисоботларни тақдим этиш, шунингдек фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган мухим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий хисоботларни тайёрлаш учун зарур деб хисоблайдиган ички назорат тизимини таминлаш учун жавобгар булади.

Аудиторлик ташкилотиниг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий хисоботларда мухим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди. Аудит молиявий хисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб берадиган маьлумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб тамойилларини бажаришни уз ичига олади. Танланган тартиб-тамойиллар аудиторнинг мулохазасига шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий хисоботларда юзага келиши мумкин булган мухим бўзиб кўрсатишлар

рискларига берилган бахога боғликдир. Бундай рискларни бахолашда аудитор вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-тамойилларни ишлаб чикиш максадида тадбиркорлик субъекти уз молиявий хисоботларини тайёрлаши ва хаққоний тақдим етиши билан боглик булган ички назорат тизимини кўриб чикади. Аудит утказиш қўлланилаётган хисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти рахбарияти томонидан хисоблаб чиқилган бахоларнинг асослилиги бахолашни, шунингдек молиявий хисоботларнинг умумий ифодаланишни бахолашни хам уз ичига олади. Биз узимиз олган аудиторлик далиллари уз аудиторлик фикримизни билдиришга асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб хисоблаймиз.

Фикр

Бизнинг фикримизча "SHAHRISABZ VINO-AROQ" A.J.-нинг молиявий хисоботлари унинг 2025 йил 31 декабрга бўлган молиявий холатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча мухим жихатларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий Бухгалтерия қонунчилигига мувофиқ хаққоний акс эттиради.

Хулоса ёзилган сана:
20.05.2026 й.

M.CH.J «HOMBUR-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти директори: **Ш.Жавлиев**